



O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

№55 (200) 2018 йил 13 июль, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ИЧКИ БОЗОРНИ ҚУМ-ШАҒАЛ МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, дарёлар, сойлар, жилғалар ва қўллар муҳофаза ҳудудларини ва ўзанларини (кейинги ўринларда дарё ўзани деб юритилади) тозалаш бўйича ишларни самарали ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан норуда фойдали қазилмалар мавжуд жойларда ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган субъектлар томонидан ўзанларни тозалаш ишлари жараёнида ноқонуний тарзда қум-шағал материалларини казиб олиш ишлари давом этмоқда.

Шу ўринда, тадбиркорлик субъ-

ектларига бундай ишларни амалга ошириш имкониятини бекор қилинганлиги уларнинг мавжуд техника ва жиҳозларнинг ишламай туриб қолишига ва ички бозорда қум-шағал материалларининг нархи кескин ошиб кетишини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сел, тошқин ва ер кўчкиси хавфи бўлган ҳудудларда қирғоқни мустақамлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ишлари бўйича ихтисослаштирилган муҳандислик-техник отрядларига дарёлар ва сойлар ўзанларини тозалаш ишларининг юклатилиши тўғрисида қолган ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун етарли бўлмаларни.

(Давоми 2-бетда)

Инвестициявий лойиҳаларни рўёбга чиқаришнинг очиқ тизими яратилади

Пойтахтимизда давлат ва ҳўжалик вакиллари, хорижий ҳамда маҳаллий сармоядорлар таклифлари бўйича ягона платформанинг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институти қўмағида ташкил этилган тадбирда тегишли вазирилик ва идоралар, дипломатик корпус, нодавлат ташкилотлар вакиллари, 250 дан зиёд инвестор ва тадбиркор иштирок этди.

Илк бор ташкил этилган учрашувдан қўзланган максат хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг юртимизда мавжуд меҳнат, саноат ва табиий ресурслар, мамлакатимизнинг инвестиция салоҳияти ҳақидаги хабардорлигини оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Холмуродов, Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов ва бошқалар мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганини таъкидлади. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконини бераётгани қайд этилди.

Бугун мамлакатимизда хорижий сармоядорлар фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилиб, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ягона тизими яратилаётгани тўғрисида тўғри инвестицияларни жалб қилиш имкониятини оширмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 960 дан ортиқ чет эл капитали иштирокидаги корхона ишга туширилгани бунга мисол бўла олади.

Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 3 баробарга кўпдир.

Тадбирда инвестиция лойиҳаларини иқтисодий, молиявий ва технология асосланган ҳолда ишлаб чиқиш, хорижий консултантларни жалб этган ҳолда янги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Бу борадаги таклифларни очиқ, ошқора ва ўз вақтида муҳокама қилиш имконини берадиган механизмларни жорий қилиш масалалари ҳақида сўз юритилди. Таъкидланганидек, мулоқотнинг бундай шакли соҳада мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга ижобий ечим топишга кенг йўл очади.

– Мамлакатимизда жалб қилинаётган инвестиция лойиҳаларини белгиланган муддатларда амалга ошириш бўйича алоҳида назорат тизими мавжуд, – деди Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Саидислом Аҳмедов. – Бу истиқболли режаларни рўёбга чиқаришда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни барвақт аниқлаш ва ечим топишга қаратилган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан инвестиция лойиҳаларининг ягона портали яратилаётгани бу борадаги ишларнинг амалий ифодасидир. Мазкур тизим орқали фаолиятда шаффофлик таъминланади. Яъни, инвесторлар лойиҳалар бўйича барча маълумотларни, уларнинг қандай босқичда эканини мунтазам равишда кузатиб бориши мумкин. Бугунги муҳокама чоғида янги тизим имкониятларини кенгайтириш ва белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш имконига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда)



Эҳтиёжмандларга уй-жойлар совға қилинди

Ана шундай ўзига хос хайр-саховат тадбири яқинда Олмалик шаҳрида бўлиб ўтди. Тошкент вилояти ҳокимлиги масъуллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тантанали тадбирда жисмоний имконияти чекланган, уй-жойга муҳтож 53 оилага шаҳарнинг «Тотувлик» кўчасида қад ростлаган тўрт қаватли турар жойда яшаш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ва хонадон калитлари топширилди.

Маълум бўлишича, қаровсиз ҳолга келиб қолган мазкур бино бир йил аввал ҳомий ташкилот – «Универсал ғишт савдо» масъулияти чекланган жамияти томонидан сотиб олинди, тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилган. Шу тариқа, собиқ ётоқхона 1, 2 ва 3 хонали яшаш учун барча зарур шароитлар билан таъминланган турар жойга айлантилган.

Этиборли томони шундаки, ҳомий ташкилот Олмалик шаҳрида, шунингдек, Паркент, Пискент, Қирбай, Юқоричирчиқ ва Чиноз туманларида оғир турмуш шароитларида яшаб келаётган ногиронлиги бор ёки шундай фарзандларни тарбиялаётган фуқароларга янги хонадон калитларини ҳада қилишдан ташқари, уй олдида-

ги бир қаватли бинони тикувчилик цехига мослаштириб таъмирдан чиқариб берди. Натيجида, янги уйларга кўчиб ўтган аҳоли шу ернинг ўзида ишлаб, даромад кўриш имкониятига эга бўлди.

– Бир оёғим яхши ишламайди, – дейди бўжақлик Элдор Мардонов. – Ҳозир 1 гуруҳ ногирониман. Турмуш ўртоғим Лайлохон эса II гуруҳ ногирони. Фарзандимиз Баҳодирни мавжуд шароитларга қаноат қилган ҳолда воёга етказиб келмоқдамиз. Ундан умидларимиз катта. Аммо ўз уйингиз бўлгани яхши экан. Бугун кўп йиллик орзуимиз ушалди. Бунинг учун, аввало, ана шундай хайрли ишларга бош-қош бўлиб турган Юртбошимизга ҳамда уйни таъмирлаб бериб, уни жиҳозлар билан тў-

дирган ҳолда бизга тортиқ қилган ҳомийларга миннатдорлик билдириб қоламан.

– Икки фарзандим бор, – дейди паркентлик Зуфия Жалолова. – Бири ногирон, иккинчисининг ҳам соғлиги яхши эмас. 14 йил давомида ижарада яшадик. Яқинда ҳокимликдан кўнгирок қилиб, туман халқ қабулхонасига қилган мурожаатимга асосан менга уй берилганини айтиб қолишди. Бу хабарни эшитиб, ўзимни йиғидан тўхтата олмадим. Мендан кўра фарзандларим кўпроқ хурсанд бўлди, десам адашмайман. Фурсатдан фойдаланиб, бу хайрли ишларни ташкиллаштирган барча саховатпеша инсонларга раҳматимни айтаман ҳамда уларнинг кейинги фаолиятларига омад тилаб қоламан.

Аҳамиятлиси, «Универсал ғишт савдо» МЧЖ маусиси Бахтиёр Шуқуровнинг таъкидлашича, у бу борадаги ишларни давом эттиришни мақсад қилган.

– Менга ҳам бир вақтлар – тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганимда саховатпеша одамлар ёрдам қўлини

чўзган, – дейди у. – Агар улар ўша пайтда мени қўллаб-қувватлашганда бугун мен бу даражага етиша олмадим, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам имкони борича эҳтиёжмандларга кўмак беришга ҳаракат қилаяман. Олмаликдаги янги уйлар эгаларига мазкур хонадонларни маълум муддатдан кейин сотиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан бирга топширилди. Яқинда Чиноз тумани ҳудудидаги яна битта қаровсиз бинони сотиб олдик. Уни ҳам турар жойга мослаштирган ҳолда таъмирлашни ҳамда уй-жойга талаби борларга топширишни кўзлаб турибмиз.

Тадбир давомида Тошкент вилояти ҳокими Ф. Ибрагимов, Олмалик шаҳри ҳокими М. Мирқосимов ва бошқалар уй эгаларига тўғри сифатида газ плиталари ҳамда мебель жамланмалари совға қилди. Эҳтиёжи борларга ногиронлик аравачалари, қўлтиқтақлар топширилди.

Шуҳрат ХЎЖАЕВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Янги терминал ишга тушди

Нукус халқаро аэропортида соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги йўловчи терминали иш бошлади.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Б. Ҳақимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М. Ераниязов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида транспорт тизимини ривожлантириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мазкур терминал йўловчиларга халқаро стандартларга мувофиқ хизмат кўрсатиш имконини берадиган энг замонавий техникалар билан жиҳозланган.

– Аэропортида қурилиш ишлари 2017 йил 1 май кунини бошланган ва халқаро парвозлар вақтинчалик тўхтатилган эди, – дейди Нукус халқаро аэропортининг йўловчиларни ташишни ташкил қилиш хизмати бошлиғи Қ. Нуратинов. – Бугун қурилиш ишлари ниҳоясига етди ва халқаро парвозлар қайта тикланди. Ҳозирча ҳафтасига бир марта Москва – Нукус – Москва (Домодедово) йўналишида халқаро парвозлар амалга оширилмоқда. Октябр ойидан Россиянинг «Уральские авиалинии» авиакомпанияси орқали ҳам қатновлар йўлга қўйилади.

(Давоми 3-бетда)

Андижонда қурилишлар авжида

Худудда ҳар бир квадрат километрга 677,4 киши тўғри келади. Шу боис, андижонликлар учун ҳар бир қарич ер ўта қадри қисобланади. Улар Она заминга меҳр қўзи билан қараб, қалб кўрларини беришади. Деҳқончиликнинг деярли барча турларидан баракали хирмон кўтаришади. Бир-бирдан чиройли иморатлар тиклаб, мустақил Ватанимизнинг ҳар тарафлама раванқ топиши, гуллаб-яшнашига баҳоли-қудрат ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишади.

– Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил

21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш Дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтган йили вилоятимиз бўйича 24 та аҳоли массивида жами 1 165 та уй-жой барпо этиш режалаштирилган эди, – дейди «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси Андижон филиали директори ўринбосари Тоҳиржон Холмирзаев.

(Давоми 2-бетда)

DORSA®

KOTTEJ UCHUN PO'LAT ESHIKLAR

● Ishonchli tuzilish
● Shovqin va issiqlik izolatsiyasi
● Zamonaviy dizayn

МЕТАЛЛИЧЕСКИЕ КОТТЕЖНЫЕ ДВЕРИ

● Надежная конструкция
● Шумо и теплоизоляция
● Современный дизайн

Tel: (+998 99) 595 55 55 www.dorsa.uz info@dorsa.uz

ПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ СИСТЕМ ВЕНТИЛЯЦИЙ И КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА ISO 9001:2015

ПНП ООО «JIHOZ – ВЕНТИЛЯЦИЯ»

e-mail: jhoz-vent@mail.ru сайт: www.jhoz-vent.uz
тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-68
Товары сертифицированы.

МИНСКИЙ АВТОМОБИЛЬНЫЙ ЗАВОД

БЕЛОРУССКИЙ ПРОИЗВОДИТЕЛЬ ПРЕДЛАГАЕТ СВОЮ ПРОДУКЦИЮ СО СКЛАДА В г. ТАШКЕНТЕ

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР МИНСКОГО АВТОМОБИЛЬНОГО ЗАВОДА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ИНОСТРАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ ООО «MAZ-TASHKENT» 100005 г. Ташкент, Мирободский р-н, ул. 8 марта, 57. Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88. Факс: (+998 71) 291-68-94. E-mail: maztashkent@mail.ru Усулу лицензияланган.

РЕКЛАМА

МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ КАФОЛАТИ

UZBEKISTON BUNYODKORI

099871 244-21-71 099871 244-21-71
uzbunyodkori@mail.ru

Хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, туристик хизматларни яхшилаш мақсадида Нукус халқаро аэропорти «очик осмон» тамойили асосида фаолият кўрсатадиган аэропортлар сафига киритилган.



Янги терминал ишга тушди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Янги бинада авиация хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш учун замонавий муҳандислик ва технология жижҳозлар ўрнатилган. Парвозолди назорат ва юк олиш майдонлари кенгайтирилиб, рўйхатдан ўтиш устунлари сони кўпайтирилди. Терминалда маҳаллий ва халқаро авиайўналишлар учун йўловчилар зали, она-бола хоналари, тиббиёт пункти, валюта айирбошлаш шохобчалари, сувенир дўконлари, намозхона, кафе-бар йўловчилар хизматида.

Терминал ишга туширилиши билан аэропортда туризм ваколатхонасининг маълумотлар хонаси ҳам ташкил қилинди. Бу ерда хориждан келган меҳмонларга хизмат кўрсатилади.



Янги терминалнинг дизайни худуд иқлим шароитига, миллий хусусиятларга мос равишда ишлаб чиқилган, яъни технология, хавфсизлик ва қулайлик ўртасидаги мувозанатга эришилган. Халқаро терминалда яшил ва қизил йўлаклар мавжуд. Бу эса йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини оширади, ва, албатта, сайёҳлар ҳамда хорижий авиакомпанияларни жалб қилишга, янги йўналишлар очилишга хизмат қилади.

Хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, туристик хизматларни яхшилаш мақсадида Нукус халқаро аэропорти «очик осмон» тамойили асосида фаолият кўрсатадиган аэропортлар сафига киритилган. Бугун Нукус халқаро аэропорти ҳар қандай русумдаги самолёт ва вертолётларни қабул қилиш имкониятига эга. Учиш-қўниш йўлагининг узунлиги 3 минг метр, кенлиги 45 метрдан иборат. Халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий ёритиш-сигнал ва аэронавигация ускуналари ўрнатилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Раматов сўзга чиқди.

Е. ҚАНОАТОВ,
ЎЗА мухбири.

Битирувчилар бандлиги таъминланди

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Битирувчи – 2018» тадбири ўтказилди. Унда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Университетни бу йил бакалаврият таълим йўналишида 1017 нафар, магистратура мутахассислиги бўйича 66 нафар битирувчи тамомлади. Маълумотларга кўра, 2017-2018 ўқув йили давомида битирувчи бакалавр ва магистрларни таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш бўйича тадбирлар ташкил этилган. Тақсимот комиссияси томонидан олиб борилган саралаш ишлари якунига кўра, битирувчиларнинг 100 фоизи «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва унинг тасарруфидаги корхона ва тизим бирликларига ишга тақсимланди.

Тадбир давомида битирувчи талабаларга профессор-ўқитувчилар томонидан дипломлар топширилди.
Г. БОБОВА,
ЎЗА мухбири.

ПОВТОРНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ Приглашение для участия в тендере

Дата:	13.07.2018 г.
Номер займа:	9/717
Наименование проекта:	Проект «Строительство современных домов в сельской местности Навоийской, Ферганской и Ташкентской областях с участием Саудовского фонда развития».
Номер объявления:	НКТ/СФР-2018/2
Наименование работ:	Закупка работ по строительству доступных жилых домов в сельской местности
Окончательный срок подачи:	согласно нижеприведенной таблице

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Саудовского фонда развития (СФР) с целью финансирования нижеприведенных контрактов по Проекту «Строительство современных жилых домов в сельской местности Навоийской, Ферганской и Ташкентской областях с участием СФР». Контракты будут совместно финансироваться с правительством Республики Узбекистан. Процесс тендера будет проводиться в соответствии с Руководством по закупке и процедуре приемлемости, изданное Кабинетом Министров Республики Узбекистан за № 243 от 26 апреля 2017 года и Руководства по закупкам СФР.

2. Участники тендера могут участвовать в тендере на один или несколько контрактов, как указано в тендерной документации. Участникам тендера, желающим предложить скидки в случае, если им будет присуждено более чем один контракт, будет разрешено сделать это, если эти скидки включены в

Письме тендерного предложения.

3. ИК ООО «Кишлоқ қурилиш инвест», действующий в качестве агента региональных хокимиятов, приглашает маркированные предложения от правоочных участников на строительство доступных жилых домов в сельской местности Ташкентской области.

4. Тендер будет проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам по отбору подрядных организаций на строительство доступных жилых домов по процедуре «одно-этапно одно-конвертная», и открыт всем правоочным участникам, как указано в Тендерной документации.

5. **Только правоочные участники со следующими ключевыми квалификациями могут участвовать в данном тендере:**

Типы домов	Требуемый опыт по строительству каждого дома/кв (УЗС)	Специальный опыт в строительстве (а) Контракты с аналогичным объемом работ и природы (УЗС)	Специальный опыт в строительстве в ключевой деятельности (б) Специальный опыт в строительстве в ключевой деятельности		
			завершил зем. работы не менее XXX м ² в год за последние 3 (три) года	завершил бет-ные работы не менее XXX м ³ в год за последние 3 (три) года	завершил строительство домов общей площадью не менее XXX кв. м. в течение последних 3 (трех) лет
2-х этажные 4-х комнатные дома (0,04 га)	250 000 000	200 000 000	30	50	120
одноэтажные 2,3-х комнатные дома (0,02 га)	150 000 000	120 000 000	30	50	120
многоэтажные 2,3-х комнатные квартиры	120 000 000	90 000 000	15	25	40

A	B
Количество домов в лоте	Требование финансовых ресурсов по условиям контракта в узбекских сумах
3	120 000 000
4	160 000 000
5	200 000 000
6	240 000 000
7	280 000 000
8	320 000 000
9	360 000 000
10	400 000 000
11	440 000 000
12	480 000 000
13	520 000 000
14	560 000 000
15	600 000 000
16	640 000 000
17	680 000 000
18	720 000 000
19	760 000 000
20	800 000 000

№	Вид оборудования и характеристика	Минимальное требуемое количество
1.	Автокран грузоподъемностью 10 тонн	1
2.	Грузовик (грузоподъемность 5 т)	1
3.	Самосвал (грузоподъемность 10 т)	1
4.	Экскаватор (емкость 0,5 м3)	1
5.	Ручной вибратор	1
6.	Почвенный уплотнитель	1
7.	Бетономешалка	1

№	Должность	Общий опыт в строительстве (год)	Опыт в аналогичной работе (год)
1.	Руководитель проекта/Прораб строительных работ (Инженер)	5	3
2.	Строительные работы/Инженер строитель	5	3
3.	Менеджер по снабжению	5	3

6. Для получения детальной информации и ознакомления с тендерной документацией, участники торгов могут связаться с Территориальным консалтинговым центром по конкурсному торгам и ценообразованию по нижеуказанному адресу:

Ташкентская область
Адрес: г. Ташкент, ул. Навои, 18.
Телефон: (0-371) 241-15-22.
Факс: (0-371) 241-15-32.
Банк: АКБ «Узпромстройбанк» Ташкентский областной филиал
Р/с: 2021 0000 7045 4602 7001
ИНН: 300 017 720

7. Чтобы приобрести тендерные документы на русском языке, правоочные участники торгов должны: написать по адресу, указанному выше, с просьбой предо-

ставить тендерные документы для строительства доступных жилых домов в сельской местности; оплатить невозмещаемую сумму, в размере одной минимальной заработной платы (МЗРП – на сегодняшний день 172 240 сум) путем банковского перевода на вышеуказанный банковский счет.

8. Представить свое предложение: по вышеуказанному адресу; до наступления окончательного срока подачи (приведенный в таблице ниже) вместе с Банковской гарантией, как описано в тендерной документации. Предложения будут открываться сразу же после крайнего срока подачи заявки в присутствии представителей участников торгов, которые решили принять участие. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и будут возвращены в закрытом виде.

№ лота	Район	Массив	Кол-во домов/квартир	Многоэтажные 2,3-х комнатные квартиры			Одноэтажные 2,3-х комнатные дома (0,02 га)		2-х этажные 4-х комнатные дома (0,04 га)		Крайний срок подачи заявок
				№	дом	кол-во квартир	№	кол-во домов	кол-во	кол-во домов	
Ташкентская область											
СФР-119	Бостанлыкский район	Истиклол	10				10	1-10			13 август 2018 года, 10.00
СФР-137	Чиназский район	Сохибкор	16	1	2	16					13 август 2018 года, 10.00
СФР-138	Чиназский район	Сохибкор	16	1	3	16					13 август 2018 года, 10.00
СФР-145	Аккурганский район	Султообод	13				13	1-13			13 август 2018 года, 10.30
СФР-146	Аккурганский район	Султообод	16	1	1	16					13 август 2018 года, 10.30
СФР-147	Аккурганский район	Султообод	16	1	2	16					13 август 2018 года, 11.00
СФР-148	Аккурганский район	Султообод	13				13	1-13			13 август 2018 года, 11.00
СФР-149	Аккурганский район	Султообод	10				10	1-10			13 август 2018 года, 11.30
СФР-161	Уртачирчикский район	Шоликор	16	1	1	16					13 август 2018 года, 11.30
СФР-162	Уртачирчикский район	Кутарма	16	1	2	16					13 август 2018 года, 12.00

«Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

объектнинг бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар кўйилган:
1. «Агробанк» АТБ Миришкор тумани филиали балансида бўлган Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчасида жойлашган «Эски банк биноси». **Бошлангич баҳоси – 81 591 839 сўм.**
2. «Агробанк» АТБ Нишон тумани филиали балансида бўлган Нишон тумани, Талимаржон шаҳри, Дўстлик МФЙ ҳудудида жойлашган «Талимаржон мини-банк» бино ва иншооти. **Бошлангич баҳоси – 54 604 636 сўм.**
3. Шаҳрисабз тумани, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг 2017 йил 17 январдаги 1-сонли баён-номасига асосан қайта ташкил этиш комиссиясининг балансида бўлган «Ўзбекистон» ҚФЙ, «Хўжайросон» қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2757,48 м² бўлган «Марказий дорихона» биноси. **Бошлангич баҳоси – 78 668 119 сўм.**
Аукцион савдоси 2018 йил 15

август куни соат 11.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносига ўтказилади.
Очик аукцион савдосига қатнашиш учун аризалар эълон қилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти туман, мўлжал: «Парвина» кафесининг ёнида қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 14 август куни соат 18.00 да тўхтатилади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган объектларнинг такрорий савдолари 2018 йил 22 ва 29 август кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризалар қабул қилиш 2018 йил 21 ва 28 август кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.
Савдо қолибига сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманомалар, «Закалат пули тўғрисида»ги келишув-га асосан савдога қўйилган объект бошлангич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдориде закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташкilot) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.
Закалат пулини тўлаш учун «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖнинг ҳисоб рақами: 2020 8000 5049 4256 0001 АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 СТИР 302 126 648.
Манзил: Қарши шаҳри, 4-митти туман.
Мўлжал: «Парвина» кафеси.
Телефон: (998 95) 505-08-99.
E-mail: ikoskarshi@yandex.com
Веб-сайт: www.ikos.uz
Хизматлар лицензияланган. RR-0111 рақамли лицензия.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ЖИЭБ УЯ 64/5-тергов ҳибсхонаси қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан тендер ўтказилишини эълон қилади:

Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ЖИЭБ УЯ 64/5-тергов ҳибсхонасида 600 ўринга мўлжалланган ётоқхонани капитал таъмирлаш.
Объектнинг бошлангич қиймати – 2 089 403 709 сўм ҚҚС билан; 1 741 169 758 сўм ҚҚСиз.
Қурилиш муддати – 6 ой.
Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси: Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ЖИЭБ УЯ 64/5-тергов ҳибсхонаси маблағлари ҳисобидан.
Буюртмачи: Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ЖИЭБ УЯ 64/5-тергов ҳибсхонаси.
Манзил: Қарши шаҳри, Шайхали посёлкаси.
Тендерда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: тендер предметининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган

маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳужужий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Тендерда мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг тендер таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида тендер таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи

суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.
Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шақллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича марказ бош мутахассиси Умарова Сохибага мурожаат этиш мумкин: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 60-«а» уй. **Тел./факс:** (0-375) 223-19-11, 223-27-33. **Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи – 200 000 сўм.**
Таклиф (оферта)лар савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати – оферталар очилиши куни ва соати.
Таклиф (оферта)ларни очиб эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 60-«а» уй.

4 КЎЗГҮ

Қашқадарё вилояти Яққабғ туманидаги Алакўйлак маҳалласида 100 ўринли «Навий дилбандлари» нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади.



Қисқа сатрларда

Жасорат майдони янгица қиёфада

Сўнгги кунларда пойтахтимизнинг бир неча диққатга сазовор жойлари, аҳоли, транспорт гавжум майдонлари таъмирланиб, ободонлаштирилди. Янгидан гўзаллик кашф этган ушбу жойлар шаҳар кўрғида кўрқиб, кишилар эътиборини ўзига тортди.

Хусусан, 1966 йилнинг 26 апрелида Тошкент шаҳрида юз берган кучли zilzilани акс эттирувчи Жасорат майдонида жорий йил май ойининг иккинчи ярмида тубдан таъмирлаш ишлари бошланган эди. Президентимиз ташаббуси билан қайта таъмирланган ушбу майдон 10 июль куни фойдаланишга топширилди.

Шу тарзда пойтахт аҳолиси оилавий ҳордиқ чиқариши мумкин бўлган диққатга сазовор масканлар сони яна биттага кўпайди. Бундан ташқари, мазкур майдон Тошкент шаҳрига келган хорижий сайёҳларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда. Улар ушбу ёдгорлик ва унинг атрофида бутунлай янги қиёфага кирган кўркам жиёндан завқ олмақдалар.

— Жасорат майдонининг қайта таъмирланиб, гўзал манзарга эга бўлганини эшитиб, атайин кўриш учун набираларим билан келдик, — дейди зангиоталик Маҳмуджон Тоиров. — Бу майдон бизларга мамлакатимизнинг яқин тарихи, миллатлар, давлатлар ўртасидаги дўстлик, инсонпарварликнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб туради. Ушбу майдонни обод қилганларга, унинг ташаббускорию қурувчиларига катта раҳмат.

Жасорат майдони ва унинг атрофидаги ташкил этилган майсазор, гулзорлар сабаб сўлим гўшага айланган бу маскан эндиликда аҳолининг мазмунли сайр қилишига хизмат қилади.




«Роҳат» айланма йўли ободонлаштирилди

«Роҳат» айланма йўли Фарғона водийсидан келаётганларни кутиб олувчи илк манзил десак, янгиликмики. Йўловчилар шу ердан ўзларига зарур манзил бўйича ҳаракатни давом эттиришади. Қўнғида жуда катта миқдордаги транспорт оқими қабул қилувчи мазкур айланма йўл анчадан бундан эътиборга муҳож эди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, йўлнинг 3 йўлакдан иборат бўлгани ва пойтахтимизга ташриф буюрувчилар ҳамда меҳмонларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётгани сабаб бу ерда кўп-кўп тирбандликлар юзага келар эди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан ушбу тирбандликларни бартараф этиш чоралари кўрилиб, кенг кўламдаги қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амал-га оширилди. Натижада барча ноқулайликлар тез фурсатда бартараф этилиб, 5 йўлакки замонавий айланма йўл қиёфасига келтирилди. Замонавий шаҳарсозлик, йўл қурилиши ва юқори сифатли технологиялар асосида барпо этилган мазкур йўл транспорт ҳаракатини қўлайлаштириб, пойтахтга ташриф буюраётган меҳмонларни гўзал манзаралар билан кутиб олиш имконини яратмоқда.



Марказий кўчалардан бирига Чингиз Айтматов номи берилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Буюк адиб ва жамоат қароби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қароридан Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номини бериш белгиланган эди.

Куни кеча бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз саккинчи сессиясида ушбу масала атрофида кўрилиб, Юнусобод тумани ҳудудида жойлашган Бодомзор йўли кўчасига буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов номини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Абдумуталлиб ҲАТМАНОВ,
«Ўзбекистон бунёдкори» мухбири.



Битирувчиларга дипломлар топширилди

Айни кунларда олий таълим муассасаларида иш жуда қизгин. Янги ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш баробарида битирувчи ёшларга дипломлар топширилмоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам 2017-2018 ўқув йили магистратура ва бакалавр босқичи битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда фахрий меҳмонлар, битирувчиларнинг оила аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Яқунлаётган ўқув йилида мазкур олий таълим муассасасини 16 та таълим йўналиши бўйича 896 нафар талаба бакалавр ва 19 та мутахассислик

бўйича 63 нафар талаба магистр даражасини эгаллаб, катта ҳаёт сари йўл олмоқда.

— Бугун биз учун жудаям қувончли кун, — дейди институт битирувчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Дониёр Тожибоев. — Сабаби магистрлик даражасини эгаллаганим ҳақидаги дипломини кўлга олдим. Эндиликда институтда олган билим ва кўникмаларимизни юртимиз раҳнаси, ободлиги йўлида сарф этамиз. Барча усто-

ларимизга катта раҳмат, улардан жуда миннатдоримиз.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан институт ректори Раҳмон Ҳақимов ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг баркамол, етук билим ва салоҳиятга эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, замонавий талабаларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича изчил ишлар амалга ошириляётганини таъкидлашди.

Ўз мухбири.

Бир вилоятда икки хил манзара

Болажонларнинг келажаги туман раҳбариятини қизиқтирмайдими?

Тан олиш керак, юртимиздаги кўп мактабгача таълим муассасалари узок йиллар давомида эътибордан четда қолиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Уларнинг айримлари молиявий етишмовчиликлар туфайли ёпилиб, ёиллар қаровсиз ва ташландиқ ҳолга келиб қолган. Оқибатда ўша ҳудудлардаги кўп кичкинтойлар боғча тарбиясини кўрмай келишаётгани. Хайриятки, эндиликда ушбу тизимда жиддий ислохотлар бошланди.

Бироқ, назаримизда, ҳамма жойда ҳам мазкур ислохотларга, келажагимиз ҳисобланмиш болажонлар учун муносиб таълим-тарбия шароитларини яратишга бирдек эътибор берилмаётгани йўқ гўёки. Биз Қарши туманининг Қорақўнғирот қишлоғида жойлашган, қарийб бир гектар майдонни эгаллаган собиқ болалар боғчасини бориб кўрдигу, таълимиз хира бўлди. Ҳатто ҳайратимизни яширолмай, «Е, тавба!» деб юбордик.

Утган асрнинг 80-йилларида 120 ўринга мўлжаллаб пишиқ гишдан муҳташам кўринишда қурилган мазкур иморатнинг ҳозирги кунда зиналари дарз кетган, эшик-дерзалари, полининг тахталари кўпориб олинган, томидан чакка томавериб, темир-бетон плиталари яроқсиз ҳолга келган, деворлари ёрилиб, сувоқлари кўчган. Хуллас, бир вақтлар эзгу ниятда, барча қўлайликлар муҳайё ҳолда барпо қилинган иншоот эндиликда хароб аҳволда.

— Бу бино болалар боғчаси сифатида қачонгача фаолият юритган? — деб сўрадик «Таликурон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Асрор Қурбоновдан.

— У олдин бинойидек ишлаб турган эди, — дейди раис. — Лекин жамоа ҳўжалиги туғатилиши билан, боғча фаолияти ҳам тўхтаб қолди. Кейин бу ерда тумандаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқувчилари тахсил олишди. Шунингдек, агробизнес ва қишлоқ хўжалик коллежининг филиали ҳам фаолият юритди. Аммо ташландиқ ҳолга тушиб қолганига айнан нима сабаб бўлганини билмайман.

Маҳалла оқсоқолининг таъкидлашича, бино 43-мактаб



балансида экан. Демак, у давлат мулки. Шундай экан, нега ўн йилдан буён эътибордан четда қолган? Бундан мутасадди раҳбарлар беҳабарми ёки хабари бўла туриб хафсала қилмаяптиларми? Туман раҳбарлари ва таълим-тарбия соҳаси мутасаддилари нега бу мулкни сақлаб қолиш, ундан ўринли фойдаланиш чораларини кўришмаяпти? Ёки иншоот нураб, йиқилишини кутишмаяпти?

Аниқлашимизча, боғча биноси ён-атрофдаги «Юқорибақирчи», «Уйчиқорбоғ», «Гиланчи», «Оқманғит», «Қорақўнғирот» қишлоқлари аҳолининг фарзандлари учун қурилган. Ҳозир бу ҳудудда жами 2 948 киши яшайди. Уғил-қизларнинг 212 нафари боғчага қатнайдиغان ёшда. Хўш, улар нега бундай даргоҳларга жалб қилинмаяпти?

Бу саволимизга туман мактабгача таълим муассасалари бўлими мудариси Саодат Мустафоева қуйидагича жавоб беради:

— Охири пайтларда ушбу бино бўйича тадбиркорлар билан музокаралар олиб бораётишди. Талабдорлар кўп. Бироқ бизга фаолият турини ўзгартирмайдиган ҳақиқий инвестор керак. Камиди 100 нафар кичкинтой тарбияланадиган боғча ишга тушса, муаммо ҳал бўлади. Яна 100 нафар бола учун нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этишга ҳаракат қиламиз.

Мударанинг айтишича, туманда давлатга қарашли мавжуд болалар боғчаларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун жорий йилда 358 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилибди. Бу

Сайид МЕЙЛИЕВ,
«Ўзбекистон бунёдкори» мухбири.



Қашқадарё вилоятининг Яққабғ тумани Алакўйлак маҳалласида 100 ўринли «Навий дилбандлари» нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади.

Боғчалар сони ортимоқда

Шу пайтгача бирорта мактабгача таълим муассасаси бўлмаган маҳалла аҳли бундан беҳад мамнун.

Меҳнат фахрийси Дилбар Раҳимова давлатимиз томонидан тадбиркорларга берилган имтиёз ва яратилган имкониятлардан фойдаланиб, боғча ташкил этди.

— Ўзим педагог бўлганим учун бола тарбиясига меҳрим бўлакча, — дейди Д. Раҳимова ўЗА мухбири У. Баротов билан сўхбатда. — Шу боис маҳалламизда бир боғча ташкил этиб, нафақада ҳам болажонлар тарбияси билан шўғулланишни ният қилдим. Ташаббусимни оила аъзоларим ҳам қўллаб-қувватлади. Шундан сўнг лойиҳам ҳақида туман ҳокимлигига айтдим, ёрдам сўрадим. Менга 20 йил олдин боғча бўлган, кейин мактаб филиалига, ундан сўнг маҳалла идорасига айлантирилган, охири йилларда эса қаровсиз бўлиб қолган бинони беришди. Бу ерни таъмирлаб, атрофни ободонлаштиргач, ишни бошлаб юбордик.

Тадбиркорнинг таъкидлашича, дастлаб 50 ўринли боғча ташкил этмоқчи бўлган. Бироқ, боғча очилиши билан фарзандларини етаклаб келувчилар сони кўпайган. Шундан сўнг қўшимча сармоя ҳисобига боғча 100 ўринга айлантирилган.

Тарбия масканда махсус ўқув хоналари, жиҳозлар, чет тилларини пухта ўзлаштириш учун қўлланмалар, кўргазмали воситалар кичкинтойларнинг рус ва инглиз тилларини ўрганишига хизмат қилаётди. Уларнинг чет тилларида бийрон-бийрон шеър, қўшиқ айтиши, миллий рақсларни ижро этишни кўзни қувонтиради. Айни пайтда боғчада 108 болага 8 педагог ва тарбиячи таълим-тарбия бермоқда.

Жорий йилда туманда 8 та мана шундай нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият йўлга қўйилди. Йил охирига қадар нодавлат мактабгача таълим муассасалари сони 25 га етказиш кўзда тутилган.



Таъхир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таъхир ҳайъати раиси), Шўхратхаджа Ҳашимов, Қозим Туляганов, Эркин Исқандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қўдратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таъхирият:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мусоҳҳих

Дилшод Жалолов
Абдумуталлиб ҲАТМАНОВ
Эркин Усмонов
Дилфуза Хабибова

Таъхирият ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўққурилиш материаллари» АЖ, «ЎзАШҚЛИТИ» ДУҚ, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУҚ, «ЎзгаворангметЛИТИ» ДУҚ, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш-лояихлаш институтлари

Таъхирият манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қўнғи) 244-21-71, (қўнғи) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва оғина бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).
E-mail: uzbyondokor@gmail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: (90) 278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: (90) 720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: (93) 466-74-84.
Санжаранд вилояти бўйича: (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 466. Буюртма — Г-707. 2270 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми — 2 табоқ, одмет усулида босилган. Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Таъхириятга келган қўнғимлар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган. Газета таъхирият компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир — Д. Жалолов
Навбатчи — Ш. Ҳўжаев
ЎЗА Яқучи — 23.55. Топширилди — 00.50.